

Яна тўртта тумандада мактабларнинг куз-қиши мавсумига тайёргарлиги урганилди



Жумладан, Ангор туманидаги 36-сонли, Музработ туманидаги 10-сонли, Шеробод туманидаги 45, 66-сонли ва Қизириқ туманидаги 3-сонли мактабларда ишлар кўздан кечирилиб, ушбу туманларда ижтимоий соҳа обьектларида марказлашган иситиш тизимини жорий этиш бўйича бажарилган ишлар ва келгусидаги режалар юзасидан масъулларнинг ҳисботи тингланди.

Шунингдек, ҳудудларда аҳоли учун коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, куз-қиши мавсумига тайёргарлик кўриш, кўмир ёқилғиси билан таъминлаш, кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловларни ундириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам муҳокама қилинди. Соҳа масъуллари ахборот берди.

Вилоят раҳбари айрим туманларда бу борада сусткашликка йўл қўйилаётганлигини танқид қилиб, мутасаддиларга ишларни тизимли йўлга қўйиш ҳамда жадаллаштириш бўйича топшириqlар берди.